

Шоира АҲМЕДОВА,
БухДУ профессори, ф.ф. доктори
Г.А.Исаева, БухДУ мустақил
тадқиқотчиси

ШУҲРАТНИНГ “ШИНЕЛЛИ ЙИЛЛАР” РОМАНИДА АЁЛЛАР РУҲИЯТИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Ўзбек адабиётида ёзувчи, серқирра ижодкор Шуҳрат турли мавзуларда романлар яратди. “Шинелли йиллар”да уруш мавзуси ҳарбий-ватанпарварлик ғояси илгари сурилган бўлса, “Олтин зангламас”да катағон қурбонларининг фожиали ҳаёти тасвирланади. “Жаннат қидирганлар” романида ватангадолар қисмати, “Машраб” романи тарихий мавзунинг ёритишига бағишлангани кўринади. XX асрнинг 50-йилларининг сўнггида яратилган Шуҳратнинг “Шинелли йиллар” романи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекнинг уруш даврида бошланиб, кейинроқ тугатилган “Қуёш қораймас” романи душманга нафрат, ғалабага зўр ишонч руҳи билан суғорилган бўлиб, И.Раҳимнинг “Чин муҳаббат”, В.Ғафуровнинг “Вафодор” сингари ҳарбий мавзудаги асарлари ҳам ҳам шу мақсад йўлидаги интилишлар намунасидир.

Шуҳратнинг II жаҳон урушида иштирок этиб, вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни, мағлубият ва ғалабани ўз кўзи билан кўриши унинг йирик насрга ўтиб, “Шинелли йиллар” (1958) романини ёзишига туртки берган.

“Шинелли йиллар”да урушнинг бошланишидан олдинги ҳаётдан тортиб, ғалаба байроғи тиклангунгача бўлган катта бир давр акс этади. Ёзувчи урушнинг бутун босқичларини, асосан, тўғри, бадиий

умумлаштира олган, унинг асосий сабаби адибнинг урушда ўзи қатнашгани, кўлига қурол олиб жанг қилгани, уруш жараёнларини ўз кўзи билан кўрганидир. Романда шу сабабли урушдаги воқеалар тасвири, ҳарбийлар ҳаёти аниқ, ҳаётий, ҳаққоний тасвирланган. Адибнинг ўзи эътироф этганида ҳам буни кўриш мумкин: *"Ўзбек солдат-офицерларининг Улуғ Ватан уруши майдонларидаги жонбозлигини кўрсатиш ниётида воқеани уруш арафасидан бошладим. Асосий материал бўлиб ўз биографиям хизмат қилди. Тўғри-си, кўрган-билганларим далда бўлди. Бунга дўстларим ҳаёти, ижодий тўқималарим қўшилиб кетди. Табиий, бир кишининг биографияси билан бадиий асар ёзиб бўлмайди, бўлганда ҳам у бадиий асарга айланмайди. Адиб шунинг учун ижодкорки, у ўзи танлаган биографиясига ўз фикр-ўйи, орзу-умиди, идеяларини, дард-армонларини, ўкинч ва афсусларини бадиий воситалар орқали қўшади, мослаштиради, тўқийди, бойитади. Бунинг ҳаммаси ёзувчининг уқувига, маҳоратига, самимиятига ва эътиқодига боғлиқ".¹*

Мамлакатимиз халқлари ўртасида юзага келган ва уруш йиллари янада мустаҳкамланган дўстлик, гуманизм, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ғояларини улуғлаш "Шинелли йиллар" романининг асосий лейтмотивини ташкил этади. Бу ғоявий йўналиш романда ўзига хос талқинга эга. Бу – асарнинг композицион қурилишида ҳам, тасвир услубида ҳам, сюжет тараққиёти ва ечимида ҳам кўзга яққол ташланиб туради.

Романда халқлар дўстлиги ғояси жуда ёрқин ифодаланган. Бу фақат асардаги турли миллат вакиллари-нинг образларини қамраб олинганидагина эмас, балки улардаги ғоявий бирдамликда, уларнинг мақсад

¹ Шухрат. Ўзим ҳақимда икки оғиз сўз. / Танланган асарлар. Уч томлик. Биринчи том. -Т.: Ёғулум номидаги бадиий адабиёт, 1969. – Б. 8–9.

ва интилишида, она-Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган оғир, аммо шарафли курашларининг тасвирида ёрқин намоён бўлади. Айниқса, барча халқ вакилларининг бу ҳаёт-мамот курашидаги етакчилик роли юксак пафос билан ифодаланади. Генерал полковник Ягунов, подполковник Следов, Комиссар Китин, Михайлов, Ракитин, Борисов, Шилов сингари офицерлар, Горкунов, Ўрол, Асриян, Мурзин каби оддий жангчилар, Анюта, Еленадек ажойиб рус аёллари, Зебо каби озар қизи чуқур меҳр билан тасвирланган. “Шинелли йиллар”да бу ғоя мамлакатимиздаги турли миллат вакилларининг урушнинг бошидан охиригача олиб борган курашларида очилади. Булар ўртасидаги дўстлик чинакам оғир синовларга бардош бериб, уруш алангаларида тобланди. Бу дўстлик ҳар бир жангчининг бир-бирига бўлган садоқатида, армиямизнинг куч-қудратига бўлган ишончида, она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббатида вояга етади. Худди шу “меҳру муҳаббат ва дўстлигу садоқатнинг ўзи энг гўзал ва бебаҳо, энг ажойиб ва олийжаноб нарса бўлиб, айти замонда ҳар бир энг гўзал ва бебаҳо нарса, ҳар қандай ажойиб ва олийжаноб ҳаракат, шу дўстлик, меҳру муҳаббат ва севгию садоқатдан унади, яралади, келиб чиқади”.

Ўзбек аёллари, шу билан бирга бошқа миллат вакиллари бўлган хотин-қизларнинг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки масаласи “Қуёш қораймас», «Шинелли йиллар», «Вафодор» романларида ҳам қўйилган ва уларда анча ишонарли ёритилган. “Шинелли йиллар” романида бир қанча аёлларнинг фронтдаги иштироки, матонати ҳаққоний тасвирланади. Масалан, Анна Ивановна билан Зебо ярадорларни даволоччи ҳамшира ёки врач сифатида кўрсатилади. Бу икки образни туташтирувчи бир чизик борки, у Элму-

род ҳисобланади. Чунки улар иккаласи ҳам Элмуродни севишади.

Адиб Анна Ивановнани ҳам ўзгача бир меҳр билан тасвирлайди. Унинг фронтнинг олдинги сафига келишини тасвирлар экан, ювиниб, тараниб тоза кийинган қизни заргар қўлидан чиққан узукка ўхшатади. “У аёл жуда катта қудратга эга магнитдай деярли барчанинг нигоҳини ўзига қаратди.

– Яхшигина майда қадам эканми? Ҳамма ёқни муаттар қилиб кетди-я! – деди бошланг жангчи қиз ўтиб кетгач ва атир ҳидига кўкрагини тўлдириб нафас олди”¹. Шу тариқа жангчилар қизнинг кириб келишини ҳазил билан қаршилаганлари кўрсатилади. Айниқса, ёзувчи қизнинг портретини бошқа қаҳрамон назари билан чизишга ҳаракат қилади “Хатага киргач, Мурзин унга синчиклаб разм солди: бир шохини сал силкитсанг барча шохларидан ҳам дув тўкиладиган ғарқ пишган ўрикдек етилган сўлқилдоқ ва бўйдоргина қиз. Унинг юлдузи иссиқ эди. Унинг юлдузини иссиқ қилиб турган чатишган, ингичка нозик қошларими, узун ва қуюқ киприклари орасидан ўз ҳуснига ишонч билан порлаб турган бўтакўзларими ёки чимчилангандек жажжи бурни атрофига седанадек сочилган беш-ўнта билинар-билинемас сепкилларими – Мурзин ажрата олмади. Эҳтимол, пилоткаси остидан чиқиб турган қорамтир сочлари билан ҳамиша кулгидан аримаган қалин, кўркама лабларидир?” (154-бет). Кейинчалик асар қаҳрамони Мурзин қизни севиб қолади, унинг кўнглини олишга қанча ҳаракат қилмасин, унга эриша олмайди. Асарнинг кейинги ўринларида ҳам қалбида қизга нисбатан оташин муҳаббат уриб турган

¹ Шуҳрат. Шинелли йиллар. Тошкент. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980. 158-бет. (Кейинги ўринларда шу китобнинг саҳифаси кўрсатилади).

Мурзин нигоҳи билан қизга характеристика беради: “У бениҳоя гўзал. Тўрт қитъада битта. Уни яратган табиат наққоши иккинчи яна бир шундайни яратишдан ожиз бўлса керак. У бир Анна Ивановнани яратгану нафосат ҳақидаги туйғусидан ажралган” (163-бет).

Романда Аннанинг меҳрибон шифокорлиги, атрофдагиларга дўстона муносабати, руҳияти, мардона қалби (севгисига эриша олмаса-да, руҳини чўктирмаслиги), гитара чалиб, жангчиларни руҳлантириши, юраги тоза, гўзал қиз эканлиги изчиллик билан очиб берилади. Анна ҳаётининг Ўзбекистон билан боғлиқ жиҳатлари асарда ишонарли ёритилган.

Романда Элмуроднинг севгилиси – ақли, чаққон, меҳрибон ҳамшира қиз Зебо образи ҳам ўзгача бир муҳаббат билан яратилган. Элмурод “ширин табасуми ўзига ярашган, ёқимли, кўркама” қизни дастлаб кўрганидаёқ севиб қолади. “Балки, муҳаббат деганлари шудир? Бўлмаса нега юрагим орзиқади. Уни кўз олдимга келтирсам, қалбим гурс-гурс уради, ширин орзу вужудимни эркалаб ўтади. Чиндан ҳам муҳаббат шуми? Дейдиларки, одатда, севишганлар ўз кўнгилларини тил билан изҳор этмайдилар, имо-ишора ва баъзан қочириқ гаплар жуда яхши восита эмиш”.

“Унинг оппоқ бетидаги қуюқ қора қоши, қорачиғи йириқдан келган ўйноқи кўзлари” йигитни ўзига ром этган эди. Кийинишидан нозик табиатлилиги, баланд дидлилиги кўриниб турган Зебо ҳам йигитни яхши кўради. Уларнинг бир-бирига муносабати, меҳрини адиб ўзгача самимият билан тасвирлайди. “Зебонинг шўх қараши, қувноқ кулгиси Элмуродни ҳали маълум бўлмаган севинч тўла, бахт-саодат тўла бир оламга имлади. Бу янги оламнинг олтин дарвозаси ўша куни, Зебо Абдураҳмоновни чақириб илтимос қилган куни очилганга ўхшайди. У тасодифнинг бу тотли дақиқала-

ридан бениҳоя миннатдор. Ўша кундан бошлаб унинг юрагида аллақандай янги, ёқимли ва жўшқин бир ҳис-туйғу пайдо бўлган. Шу ёқимли ҳис билан хушбахт” (47-бет). Ёзувчи икки ёш орасида пайдо бўлган муҳаббат туйғуларини ҳам маҳорат билан тасвирлайди. Зебо қалбидаги туғёнларни, севги қаршисида лол қилган қизнинг руҳиятини ҳам тиниқ чизади: “...Унинг ҳаяжони, юрагидаги жўшқин ҳис керагидан ортиқ эди. “Чиндан унинг севган қизи йўқми? Мени севадими, ёки мусофирликнинг диққинафаслигидан ўзини менга яқин тутиб юрибдими?...Бу хаёлларнинг сўнгги йўқ... Бу хаёллар нурга кўмиб, гулга ўраб, кўркам чаманларда етаклаб юарди. У шу дақиқада бутун оламини унутган, фақат Элмуроднинг хаёли билан банд эди. Ҳаёт ҳар қачонгидан кўра кўркам ва ёрқин эди, дунёда айрилиқ қайғу, алам, уруш, қон, изтироб, ўлим йўқ эди, фақат гўзаллик, бахт ва севги бор эди, холос!” (48-бет).

Афсуски, урушда Зебо ҳам ярадорларни қутқараман деб вафот этади. Севгилисининг мардларча ҳалок бўлганидан беҳабар Элмуроднинг севги мактуби ўқувчи қалбини титратади. Жасур ва фидойи Зебо образи китобхон қалбидан чуқур ўрин ола билади, адибнинг маҳорати ҳам шунда.

Романда партизанлар отрядида кураш олиб борган Анюта образи ҳам жасур, мард ва қалби фашистларга нафрат билан тўлган ватанпарвар қиз сифатида тасвирланган.

Роман қаҳрамонларидан бири Муҳаррам эса, ватанпарвар жангчиларга совға олиб бориш мақсадида бевосита ўз хоҳиши, истаги билан фронтга кириб, мардлик кўрсатади. Албатта, бу образларнинг фронт майдонига кириб келиши бир қадар реал тасвирланган. Шунинг учун ҳам уларнинг фронтдаги ҳар бир ҳаракати ўқувчи назоратидан четда қолмайди. Роман-

нинг бошида Элмуроднинг зиёли, ақлли, китобхон йигит эканлиги Муҳаррам ҳақидаги ўйларида, айниқса, буюк рус ёзувчиси Лев Толстойнинг “Анна Каренина”сидан иқтибос келтирганида ёрқин кўринади: *“Наҳотки, мен пайқамаган бўлсам? Ҳа... Дарья Александровнанинг тили билан бекорга шундай демаган: “сиз эркаклар, қизларни кўрасиз, суҳбатлашасиз. Кўнглингизда биронтасига бўлган севгингиз пишиб етгандан кейингина қўлини сўрайсиз. Бечора қизлар-чи! Доимо қутишда. Қизлик ҳаёси босиб, кўнглидаги бор севгисини ҳам очиқ айтолмайди. Сизнинг таклифингизга “йўқ”, ёки “ҳа” деб жавоб беришга ҳақли, холос!”*¹.

Муҳаррам романда ватанпарвар, ақлли, зиёли қиз сифатида тасвирланади. Унинг ҳеч нарсадан қўрқмай, урушнинг олдинги ўчоқларига келиши, жасурлиги, жангчиларни руҳлантирадиган нутқ сўзлаши, ўзбек қизларига хос қатор хусусиятлари китобхон эътиборини тортмай қолмайди. Асарда унинг эри Рашидни кўриш учун елиб-югурганлари, улар орасидаги муҳаббат, жангчи эрининг ўлими, Зебо билан танишуви каби воқеалар қизиқарли тасвирланади.

“Миллат руҳи, халқ ҳаётининг турли манзараларини акс эттириш, кишиларнинг, бинобарин, жамиятнинг бугунги ва эртанги кунини нурлантириш Шухрат асарлари поэтикасининг асосий қирраларидир”². Шу нуқтаи назаридан қараганда, адибнинг уруш мавзусидаги “Шинелли йиллар” романи ва унда тасвирланган аёллар образи ёш авлодни мардликка, ватанпарварликка чорлаши билан муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, адиб Шухратнинг уруш мавзуси-

¹ Шухрат. Шинелли йиллар. -Т.: “O‘zbekiston”, 2008. - Б. 4-5

² Соатова Н. “XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида Шухрат ижодининг ўрни” мавзусидаги ф.ф.доктори (DSc) илмий даражасини....дисс. -Бухоро, 2022. -Б. 4.

даги бу романида тасвирланган аёллар ҳамма даврларда ҳам китобхонларга манзур бўладиган образлар бўлиб, самимийлиги, қалби меҳрга тўлалиги, жасурлиги билан ибрат бўладиган тарзда яққол гавдалантирилгани муҳимдир.